Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 7-mart, payshanba

№ 10-11 (24931)

# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

## ФИДОЙИ МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

**Фарғона давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори Турғуной Эгамбердиевани вилоят, республикамиз аҳли, айниқса, зиёлилар, илм-фан вакиллари яхши билишади.**



Олима аёл Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан самарали меҳнати, бой тажрибаси билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, ташаббус ва ибрати учун “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланди.

Ўзининг илмий-педагогик фаолиятини халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятда аёллар фаоллигини ошириш, баркамол, билимли ва салоҳиятли ёшларни камолга етказиш, уларга таълим-тарбия беришдек эзгу ишга бағишлади, эл-юртимиз ҳурмат-эҳтиромига ва ҳақли равишда мўътабар аёл деган шарафли номга сазовор бўлди.

Турғуной Эгамбердиева Фарғона давлат университетида факультет декани, тарбиявий ишлар бўйича биринчи проректор, жаҳон тарихи кафедраси доценти бўлиб ишлади. Айни кунда тарих кафедраси профессори, университет ҳузуридаги илмий даражалар берувчи педагогика фанларига ихтисослашган илмий кенгаш раиси ўринбосари, олийгоҳ қошидаги Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда. 250 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари маҳаллий ва чет мамлакатлар газета-журналлари, илмий тўпламларида ўзбек, рус, инглиз, хитой тилларида чоп этилди. Тарих йўналиши талабаларига мўлжалланган дарсликлар яратди.

Турғуной опа ўтган йиллар давомида 7 та номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик, 2 та докторлик тадқиқотларига илмий маслаҳатчилик қилди. Унинг раҳбарлигида 100 дан ортиқ магистрлар диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Фан, таълим, ахборот технологиялари, маданият йўналишларида Германия, Финландия, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Украина, Беларусь, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Озарбайжон давлатларига гуруҳ раҳбари сифатида хизмат сафарларида бўлди.

Жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси Турғуной Эгамбердиева халқаро “Антик дунё” ва “Турон” фанлар академиясининг академиги этиб сайланган.

Фарғонамизнинг мўътабар аёлига Ватанимизнинг юксак мукофоти муборак бўлсин!

**Абдужалил БОБОЖОНОВ.**

Газета саҳифаланаётганда...

## ХАЙРУЛЛО БОЗАРОВНИНГ НОҚОНУНИЙ ҚАРОРИ БЕКОР БЎЛАДИ

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозаровнинг 2024 йил 29 январдаги “Фарғона шаҳридаги бўш турган бино-иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, Фарғона шаҳридаги “Ёшлар кўли” “Unays building” МЧЖга меҳмонхона, ресторан, савдо маркази ва уй-жой қуриш учун доимий муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб берилган. 5-6 март кунлари ЎзА, “Kun.uz”, “Gazeta.uz”, “Xabar.uz”, “Daryo” каби ўнлаб ОАВлари, жонкуяр журналист ва блогерлар бу қарор қонуний асосланмагани ҳақида таҳлилий мақолалари билан тезкор муносабат билдирдилар.

Ниҳоят, Хайрулло Бозаровнинг ноқонуний қарори бекор қилинадиган бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий сайтида маълумот берилди.

## Фарғона шаҳридаги “Ёшлар кўли” бино-иншоотлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг РАСМИЙ МУНОСАБАТИ

Олинган маълумотларга кўра, Фарғона вилояти ҳокимининг 2024 йил 29 январдаги тегишли қарорига асосан, Фарғона шаҳар, “Ойбек” МФЙ ҳудудида жойлашган собиқ “Ёшлар кўли” бино-иншоотлари “Unays building” МЧЖга инвестициявий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланиш ҳуқуқи билан берилганлиги, яъни сотилмаганлиги маълум бўлди.

Мазкур масалага аниқлик киритиш бўйича ўрганишларда ушбу объект Спорт вазирлиги томонидан самарали фойдаланиш учун Фарғона шаҳар ҳокимлиги балансига Фарғона вилоят ҳокимининг 2022 йил 30 декабрдаги қарорига асосан ўтказиб берилганлиги, бироқ ҳокимлик томонидан объектга нисбатан кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатда, “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган тартиб талаблари бажарилмаган.

Хусусан, Қонун талабларига кўра, давлат кўчмас мулк объектларини, идоравий мансублигидан қатъи назар, оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бир давлат муассасаси ёки давлат унитар корхонасидан бошқа давлат муассасаси ёки давлат унитар корхонасига ўтказиш тўғрисида қарор Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тегишли давлат органлари билан келишувга кўра қабул қилиниши белгиланган.

Шунга кўра, амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартиблар бузилганлиги муносабати билан Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан:

– Спорт вазирлигига объектни Спорт мактаби балансига қайтариб олиш;

– Фарғона вилояти ҳокимлигига объектни Фарғона шаҳар ҳокимлиги балансига ўтказиш ва “Unays building” МЧЖга фойдаланишга бериш тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш бўйича жорий йил 6-март куни тегишли кўрсатмалар юборилди.

Ўз навбатида, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ушбу давлат мулки объектини тегишли Спорт мактаби балансига қайтариш масаласи қатъий назоратга олинишини маълум қиламиз.

## ЎзА ФАРҒОНА: “ЁШЛАР КЎЛИ” ЎРНИДА ... ТУРАР ЖОЙ?

**Фарғона уй-жой қурилиши миқдори бўйича мамлакатда етакчилардан бири деб эълон қилинди. Аммо... йўқ, бугун уларнинг сифати ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Чунки, у алоҳида, жиддий мавзу. Хўш, бу уйлар қаерларга қуриляпти?**

**Экошаҳар Фарғона аэропорти ёнидаги илгари ўзлаштирилмаган, адирлардан иборат майдонда бунёд этилмоқда. Бу ерда уч юзга яқин кўп қаватли уйлар, ижтимоий иншоотлар қурилиши режалаштирилган. Қолаверса, у ўз номи билан ЭКО шаҳар. Яъни бу ерда табиий газ қўлланмайди. Ҳаммаси, уйларни иситишдан то хонадон ошхонасигача электр қувватида ишлайди. Кўп қаватли уйлар оралиғида хиёбонлар, болалар майдончалари, автомашиналар турар жойларигача ҳисобга олинган. Хуллас, Экошаҳар – замонавий талаблар лойиҳаси, дейиш мумкин.**



Давоми 2-бетда

## Kun.uz ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН ФАРҒОНА ШАҲРИ МАРКАЗИДАГИ 2 ГЕКТАРЛИК КЎЛ 24 КУНЛИК ФИРМАГА БЕРИБ ЮБОРИЛДИ

**Ҳокимларнинг ер ажратишга оид ваколатлари тугатилганига 2 йилдан ошди. Шунга қарамай вилоят ҳокими Президент Фармонига қарши бориб, фарғоналиклар ардоқлайдиган сўлим масканни очилганига 1 ой ҳам тўлмаган “инвестор”га инъом қилган.**

**Фарғона шаҳри марказидаги сунъий кўл ўрни “дом”, меҳмонхона, ресторан ва савдо мажмуаси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан қурилиш фирмасига бериб юборилгани маълум бўлди. Вилоят ҳокими Президент қарорини нотўғри асос қилиб кўрсатган ҳолда қарор чиқариб, гўёки “бино ва иншоотларни” берганлик ниқоби остида ер ажратган. Мазкур кўл 2020 йилда 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига таъмирланиб, байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорт турининг ўқув базасига айлантирилганди.**

## “ФАРҒОНА: “ЁШЛАР КЎЛИ” ЎРНИДА ... ТУРАР ЖОЙ?” МАҚОЛАСИГА “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИдан МУНОСАБАТ

**Халқни рози қилиш, келажакда эмас, одамларга айнан бугун қулай шароитлар яратиш Янги Ўзбекистоннинг бош талабига айланган кунларда яшаяпмиз.**

**Кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг айнан ана шу тамойил асосига қурилаётгани шубҳасиз, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаётир.**



Шунга қарамай, афсуски, айрим ҳолларда аҳоли кайфиятига салбий таъсир қиладиган ҳолатлар ҳам учраб турибди. ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинаётган мавзу – Фарғонадаги “Ёшлар кўли” ўрнида уй-жой бинолари қуриш билан боғлиқ ҳолат бунга мисол бўлиши мумкин. Бунда, энг ёмони, она табиатга ва аҳоли истагига зид тарзда қабул қилинган қарор туфайли маҳаллий аҳоли ва ёшларда асосли эътирозлар юзага келмоқда.

2020 йилда таъмирланган, кейинги уч йилда эса номаълум сабабларга кўра сувсиз қолдирилган “Ёшлар кўли”нинг тақдири бугун фарғоналикларни ўйлантириши табиий, энг ачинарлиси, мазкур кўл аҳолининг хоҳиш-истакларини инобатга олмасдан, қонунчиликка зид равишда қабул қилинган қарор билан "Unays building" МЧЖга бериб юборилган. Қайд этиш лозимки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳокимларнинг ер бериш бўйича қарор қабул қилиш ваколати тугатилган. Шу нуқтаи назардан, мазкур қарор қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилиниши шарт.

Зеро, Фарғона аҳлига, айниқса, ёшларга спорт билан шуғулланиш учун хизмат қилган ҳудуд тақдирини битта қарор билан ўзгартириб юбориш бугунги кун талабига ҳам, бугунги кун қонунчилигига ҳам зиддир.

**Шундан келиб чиққан ҳолда, “Миллий тикланиш” демократик партияси бундай ноқонуний қарор чиқариш амалиётини кескин қоралайди ҳамда Бош прокуратурадан ушбу масалага ҳуқуқий баҳо берилишини сўрайди.**

**“Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши.**

# СИЗГА ШАРАФ, ЭҲТИРОМ

**8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Фарғона шаҳридаги “Wine garden” тадбирлар саройида байрам тантанаси бўлиб ўтди. Унда вилоятимиздаги фаол хотин-қизлар иштирок этишди.**

Тадбир аввалида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қатнашчиларни қутлуғ байрам билан самимий қутлади. Аёллар нафақат оила кўрки, балки ҳар жабҳада фаол бўлган фидойилар ҳамдир. Уларнинг юрт равнақи йўлидаги садоқатли хизматлари, эришаётган ютуқлари эътироф этишга арзигулик эканини таъкидлади вилоят ҳокими ва дилбар опа-сингилларимизга соғлик-омонлик, келгуси ишларига ривож тилади.

– Юртбошимиз раҳнамолигида биз аёлларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдай юксалмоқда, – дейди Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходими Феруза Раҳимова. – Мамлакатимиз ривожида мўътабар онажонларимиз, лобар опа-сингилларимиз иштиёқ, бор куч-ғайратлари билан хизмат қилмоқдалар. Меҳнатимиз юксак қадр топар экан, биз ёш авлодни Ватанимиз ўтмиши, маданий мероси билан таништириш, қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантириб боришдан сира чарчамаймиз.

Тадбирда вилоят ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги ва ташаббускорлиги, самарали меҳнати билан оила бахти ва фаровонлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларга “Мўътабар аёл” кўкрак нишонлари топширилди. Шунингдек, бир гуруҳ фаол аёллар вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Элимизнинг суюкли санъаткорлари Муҳсинбек Мўминов, Алишер Файз, Бунёдбек Саидов ва ёш истеъдодли хонандалар дилтортар қўшиқлари билан даврага файз бағишладилар.



**Ўз мухбиримиз.**

1

## ФАРҒОНА: “ЁШЛАР КЎЛИ” ЎРНИДА ... ТУРАР ЖОЙ?

Лекин шаҳар ичидаги уй-жойлар-чи? Улар шу қадар зички, ҳатто кўнгилсиз воқеа рўй берса, ёрдам кўрсатиш хизмати машиналари ҳам эркин юра олмайди. Қаердаки, бир парча ер бўлса, ўша ерга кўп қаватли уй жойланган.

Бу ҳам майли-я, аҳоли фойдаланиб келган ижтимоий манзиллар ҳам бирин-кетин камайиб, ўрнида яна кўп қаватли турар жойлар тикланяпти. Жумладан, шаҳар қоқ марказидаги, илгари болажонлар учун аквапарк бўлган майдонда ҳам шундай бинолар қад ростлаяпти.

Марғилонсой соҳилидаги “Ёшлар боғи” ҳудуди кундан-кун қисқариб, ўрнини ошхона-ю, ресторан, клиникалар эгалламоқда.

Шаҳардаги ягона истироҳат боғи ҳам жон талвасасида чекиняпти. Аҳмад ал-Фарғоний боғига киришнинг энг катта йўлаги ўрнида ҳашаматли бино қурилаётганини кўрасиз.

Нега ҳадеб эди, эди деяверасиз, деб дашном беришга шошилманг.

Шаҳар марказидаги “Ёшлар кўли” 2020 йилда таъмирланган, ободонлаштирилган, чор атрофига тоза сув билан таъминлаб туриш учун тик қудуқлар чиқарилган эди. Ёзнинг иссиқ кунлари минглаб фарғоналиклар шу ерда чўмилишар, сув спорти билан шуғулланишарди... Шунинг учун ҳам у вилоят спорт бошқармаси ҳисобида турар эди.

2021 йилга келиб ва ундан кейинги уч йил давомида “Ёшлар кўли” сув билан тўлдирилмади, ёзда ҳам фаолият кўрсатмади. Бунинг сабаблари ҳақида “Фарғона ҳақиқати” газетаси ўшанда таҳлилий мақола берганди. Мутасаддилар уни эътиборсиз қолдирдилар.

– Фарғона шаҳридаги бу “Ёшлар кўли” келажакда иқтидорли ёш спортчиларни танлашда энг асосий ўринга эга дегандим, – дейди Фарғона вилояти каноэ федерацияси ижрочи директори Насриддин Холиқов. – Мана энди ҳозирга келиб, ҳавзада сув йўқ, уни тўлдириш имконияти бўлмади. Тик қудуқ орқали олинаётган сув учун сарфланган электр қувватига пул топилмади. Шунинг учун аста-секинлик билан барча машғулотларимиз тўхтаб қолди. Кўл кўп хизмат қилиши керак эди бу спорт тури учун.

Куни кеча эса Фарғона марказидаги “Ёшлар кўли”да бузиш ишлари бошланди. Маълум бўлишича, у Фарғона вилояти ҳокимининг 2024 йил 29 январдаги 44-11-0-Қ/24-сонли қарорига кўра “Unays building” МЧЖга бириктирилган. Қарорда, жумладан, шундай дейилади:

**“Фарғона шаҳар ҳокимлиги балансидаги собиқ “Ёшлар кўли” бино-иншоотларига меҳмонхона, ресторан, савдо мажмуаси лойиҳаларини амалга ошириш шарти билан “Unays building” МЧЖга доимий муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб берилсин.**

**Давлат кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси бириктириб берилган ер майдонига аниқлик киритсин ҳамда тегишли тартибда кадастр ҳужжатлари тайёрласин”.**

Хўш, бу қарор қанчалар асосли? Бу саволга жавоб олиш учун биз бир неча идоралар эшигини қоқдик.

– “Ёшлар кўли” шу кунгача вилоят спорт бошқармаси тасарруфида бўлиб келган, – дейди Фарғона вилояти спорт бошқармаси бошлиғи Нодир Ҳакимов. – Кўлни Фарғона шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтаришга розилик берилган. Улар кўлдан қандай мақсадда фойдаланиши бизга қоронғу.

– Фарғона шаҳрида жойлашган собиқ “Ёшлар кўли” бир неча йиллардан буён қаровсиз ҳолатда бўлганлиги ҳамда ушбу ҳудудда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали жойлашганлиги, ён тарафида вилоят кўз касалликлари шифохонаси борлиги ҳамда турли давлат идора ва ташкилотлар жойлашганлиги, кўлнинг эса ташландиқ ҳолати шаҳар кўринишига салбий таъсир кўрсатаётган эди, – дейди Фарғона шаҳар ҳокимининг ўринбосари Жаҳонгир Бахтиёров. – Ушбу жойдан самарали фойдаланиш мақсадида вилоят ҳокимининг тегишли қарорига асосан, хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳамда маҳаллий маблағлар сарфлаш эвазига у ерда замонавий меҳмонхона, ресторан, кўп қаватли турар жой бинолари, кўнгилочар масканлар ташкил этилиши белгиланган.

– Давлат активларини бошқариш Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси билан олди-сотди шартномаси расмийлаштирилмаган, сабаби – объект сотилмаган, – дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилшод Тўлқинов. – Чунки, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4231-сонли қарорининг 11-бандига кўра, вилоят ҳокимларига шаҳар-туман ҳудудларида бўш турган давлат мулки объектларини инвестиция киритиш шарти билан тадбиркорларга доимий ёки узоқ муддатга фойдаланишга бириктириш ҳуқуқи берилган. Шунга асосан, вилоят ҳокимининг қарори билан “Ёшлар кўли” тадбиркорга фойдаланишга берилган.

Фарғона шаҳрида атиги бир дона ёзги сунъий кўл бор эди. Сатҳи 2,2 гектарли кўл, айниқса, ёшларнинг севимли жойи бўлган. Хўш, улар бу ҳақда нима дейди?

Оғабек Муродиллаев:

– Ҳозир ёшларга яратилаётган шароит кам қоляпти. Кўл қолса яхши бўлар эди. Чунки, у ер ҳам сайилгоҳдек жой.

Абдулҳамид Абдулҳақ:

– Жойнинг қулайлик тарафи – олдидан сой оқиб ўтади. Ёзнинг жазирама пайтида кўлда чўмилиш учун барча шароит бор эди.

Озод Ваҳобжонов:

– Инсон соғлом бўлиши учун спорт билан шуғулланиши керак. Сузиш машғулотларини ўтказиб, мириқиб дам олиш учун тайёр турган кўл ўрнига уй-жой қургандан кўра, уни сақлаб қолиш керак, деб ҳисоблайман.

Нодир Ҳакимов:

– Бир вақтнинг ўзида юзлаб ёшларни қабул қиладиган бошқа кўл йўқ.

Шундай қилиб, нафақат шаҳар, балки вилоят аҳолиси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга “Ёшлар кўли” жамоатчилик фикрини ўрганмай, аввалдан қарор лойиҳаси эълон қилинмай, тендер савдосига қўйилмай “Unays building” МЧЖга ресторан, меҳмонхона ва уй-жой қуриш учун бириктирилган.

**Хўш, “Unays building” МЧЖ ҳақида нималар маълум?**

Давлат хизматлари агентлиги ҳужжатларида қайд этилишича, у 2024 йилнинг 5 январида рўйхатдан ўтган. Манзили – Фарғона шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг биридаги хонадон.

Шу ўринда яна бир маълумот билан таништирмоқчимиз.

– Қиргули мавзесида жойлашган кўл бор. У ерда ёшларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши ҳамда сайёҳлар учун пляж ҳудуди ташкил этиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда, – дейди Фарғона шаҳар ҳокимининг ўринбосари Жаҳонгир Бахтиёров.

Ҳокимият Фарғона шаҳридаги “Ёшлар кўли” ўрнига таклиф қилаётган кўлнинг атрофи ботқоқлик, қамишзор, саҳни эса ер ости сизот сувлари кўлмагидан иборат. Изоҳга ҳожат йўқдек.

Маълумот учун айтайлик, юқоридаги суҳбатдошлар тилга олган Президент қарорида бўш турган бинолар ҳақида айтилган. Бу ерда эса кўл майдони бириктириляпти. Бу вилоят ҳокими қарорида ҳам кадастр идорасига топшириқ бериш чоғида “ер майдони” дея алоҳида кўрсатилган.

“Unays building” МЧЖнинг инвестиция жалб этиш, Фарғонада меҳмонхона, ресторан, кўп қаватли турар жой қуриш ҳақидаги режалари ибратли, албатта. Аммо...

– “Ёшлар кўли”ни сақлаб қолиш зарур эди, – дейди спорт мураббийи Насриддин Холиқов. – Тадбиркор савдо дўкони, меҳмонхона ва уй-жойларни Экошаҳарчада ёки бошқа жойда қурса бўлади-ку!

**Муҳаммаджон ОБИДОВ.**
**Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**
**ЎзА.**

## ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВнинг ҚАРОРИ БИЛАН ФАРҒОНА ШАҲРИ МАРКАЗИДАГИ 2 ГЕКТАРЛИК КЎЛ 24 КУНЛИК ФИРМАГА БЕРИБ ЮБОРИЛДИ

1

### БИР ЙИЛ ОЛДИНГИ “ЧЎПЧАК”

Фарғона шаҳри марказидаги майдони 2 гектардан ортиқроқ бўлган “Ёшлар кўли”нинг “тақдири” бир неча йилдан бери ноаниқ бўлиб келаётганди.

Фарғона шаҳрининг “қаймоқ” ҳудудида жойлашган бу катта майдон кўплаб қурувчиларнинг “кўз остида” бўлгани бор гап. Аммо бу ерда болалар учун кўнгилочар маскан ташкил этилиши ҳақидаги хабарлар фарғоналикларнинг кўнглини хотиржам қилиб келаётганди.

Жумладан, 2022 йилнинг декабрь ойида 12 нафар тадбиркор вилоят ҳокимига туризм йўналишида режалаштирилаётган лойиҳаларини тақдим этган. Ҳокимлик матбуот хизматининг хабарида тақдимот давомида Фарғона шаҳридаги фойдаланилмай ётган “Ёшлар кўли” ўрнида давлат-хусусий шериклик тамойили асосида болалар учун кўнгилочар маскан ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ масала ҳам ижобий ечим топгани айтилганди.

2021 йилда вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 321 млн. сўм маблағ ажратилиб, кўл атрофини темир панжара билан ўраш ишлари олиб борилган.

“Фарғона ҳақиқати” газетасининг 2022 йил 30 декабрь кунидаги сонида ҳам кўл билан боғлиқ мақола эълон қилинган. Унда таъкидланишича, “Ёшлар кўли” ўша вақтда вилоят сув спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли бўлган. 2020 йилда у ерда 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ эвазига мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Бунинг натижасида кўл сувга тўлдирилган ва у байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорт турининг ўқув базасига айлантирилган. Лекин бошланган ташаббус ниҳояланмай, ўлда-жўлда қолиб кетган. Сабаби, чуқурлиги 10, эни 80, узунлиги 260 метр бўлган кўлга сув тўлдириш учун насослар меъёрий қувватда ишламаган. Яъни, ер остидан сув тортиб олишга сарфланадиган электр қуввати учун харажатларга пул топилмаган.

Мақолада Фарғона шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Бобуржон Аҳмаджоновнинг ҳудудни ёшлар учун маданий-маърифий марказга айлантириш, бунинг учун 2023 йилнинг бошларидан қурилиш ишлари бошланиши ҳақидаги фикрлари келтирилган.

Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов эса “Ёшлар кўли”га “Ёшлар шаҳарчаси” қиёфаси берилиши ҳақида гапирган.

“Тан олиш керак, вилоятимиз туризм салоҳияти бўйича республикада илғорлар сафида бўлса-да, ҳануз “Ёшлар шаҳарчаси” мавжуд эмас. Бунинг учун жуда тез фурсатларда “Ёшлар кўли”га ҳақиқий маънода “Ёшлар шаҳарчаси” қиёфасини бериш устида иш олиб бормоқдамиз. Эндиликда кўл соҳиллари тун-у кун фарғоналикларнинг қадами узилмайдиган гўшага айланади. Ҳозирча бу хусусида аниқ бир нарса дейиш қийин. Чунки тадбиркор лойиҳа устида ўрганишлар олиб бормоқда. Қувонарли томони шундаки, келгуси йил давомида “Ёшлар кўли”да улкан лойиҳа амалга оширилиши натижасида болалар учун Disney Land, “Ёшлар боғи” каби замонавий кўнгилочар мажмуалар қад ростлайди, фавворалар қурилади”, деган у.

Аммо орадан бир йил ўтиб, бу ваъдаларнинг бари чўпчак экани маълум бўлмоқда.

### ЁШЛАРДАН ТОРТИБ ОЛИНАЁТГАН “ЁШЛАР КЎЛИ”

2024 йил февраль ойига келиб, “Ёшлар кўли”нинг ўрнида вилоят ҳокими ўринбосари айтгани каби фаввоpалар отилиб турган, боғлари бўлган кўнгилочар маскан эмас, кўп қаватли уйлар қурилиши маълум бўлди: кўл ўрни қурилиш фирмасига бериб юборилди.

Фарғона вилояти ҳокими 2024 йилнинг 29 январь куни “Фарғона шаҳридаги бўш турган бино-иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қарорни қабул қилган.

Ҳужжатда фақатгина битта жой – шаҳар марказидаги “Ёшлар кўли” ҳақида гап боради.

Қарорга кўра, “Ёшлар кўли” бино-иншоотларига 6 млн. АҚШ доллари хорижий ҳамда 90 млрд. сўм ички инвестиция киритиш, меҳмонхона, ресторан, савдо мажмуаси лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда 100 тадан кам бўлмаган янги иш ўрни яратиш шарти билан “Unays building” МЧЖга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бириктириб берилган.

Ҳоким қарорида “Unays building” МЧЖ ҳудудда меҳмонхона, ресторан, савдо мажмуаси билан бир қаторда, кўп қаватли турар жойлар қуриши ҳам белгилаб қўйилган.

### ЙЎҚ ВАКОЛАТНИ БОР ҚИЛИШ “САНЪАТИ”

Фарғона вилояти ҳокимининг юқоридаги қарорига ҳуқуқий асос сифатида Президентнинг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарори келтирилган.

Аммо Президентнинг мазкур қарори талаблари Хайрулло Бозоров қабул қилган қарор билан “келишмайди”.

Президент қарорида вилоят ҳокимларига шаҳар ва туманлар марказларида фойдаланилмасдан турган биноларни тадбиркорлик субъектларига уларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шарти асосида доимий ёки узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш вазифалари юклатилган. Яъни, давлат раҳбари қарорида фойдаланилмай турган бинони у ерда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тадбиркорга бериш назарда тутилган.

Фарғона вилояти ҳокими эса ўз қарори билан “бино ва иншоотлар” “ниқоби”ни кийдирган ҳолда “Ёшлар кўли”нинг 2,2 гектарлик ҳудудини қурилиш фирмасига “дом” қуриш учун бериб юбормоқда. Аслида, Хайрулло Бозоров бино эмас, ерни ажратган. Сабаби, “Ёшлар кўли”нинг меҳмонхона, ресторан, савдо мажмуаси ёки кўп қаватли турар жойга айлантириладиган биноси йўқ. У ўз номи билан сунъий кўл, яъни ер майдони ҳисобланади.

### ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЎРТАНСА ҚЎЙМАС

Президентнинг 2021 йил 8 июндаги тегишли фармони билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.

Аммо, битта қарор билан минглаб гектар ерлар тақдирини ҳал қилиб келган ҳокимлар бу ваколатдан мосуволикни ҳазм қилолмаётганликларини аҳён-аҳёнда фош қилиб қўймоқдалар.

Хайрулло Бозоров ҳам “Unays building” МЧЖга тўғридан-тўғри ер ажратар экан, бунга аслида ваколати бўлмаганини билмай қолган бўлиши мумкин эмас.

### ШУБҲАЛИ “САХИЙЛИК”

Фарғона вилояти ҳокимининг қарори 2024 йил 29 январь куни қабул қилинган. Мазкур қарор билан “сахийлик” қилинган фирма – “Unays building” МЧЖ эса қарор чиқишидан 25 кун олдин, 2024 йил 5 январь куни давлат рўйхатидан ўтказилган.

Очиқ маълумотларга эътибор қаратилса, аввалига МЧЖнинг устав капитали 7 млрд. сўм ҳамда таъсисчиси 100 фоизлик улуш билан Раҳимов Элдор Ҳабибович бўлган.

Аммо кўп ўтмай, Элдор Раҳимов МЧЖ раҳбарига айланган, таъсисчилик эса 100 фоизлик улуш билан “He Veilu” исмли шахсга ўтган. Шунингдек, МЧЖ устав капитали 1 млрд. сўмга туширилган.

Вилоят ҳокими томонидан 24 кунлик фирмага Фарғона шаҳри марказидан катта ҳудуднинг ажратиб берилиши анчагина шубҳали. Нега айнан 24 кунлик фирма танланди, нега айнан “Unays building” МЧЖ, келишувга қайси эшиклар ортида ва қачон эришилди? Ҳоким била туриб нега ваколати доирасидан четга чиқди? Алданган фарғоналикларга кимдир изоҳ берадими?

Шу каби саволлар ваколатли органлар томонидан синчиклаб ўрганилиши лозим.

“Ёшлар кўли” Фарғонада кўпчилик бориб дам оладиган кам сонли гўзал масканлардан бири. Ҳоким қарори кўлнинг яна аввалгидай кўнгилочар жой сифатида қайта иш бошлашини кутиб юрган ва шунга ишонтирилган фарғоналикларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

**Руслан САБУРОВ,**
**Kun.uz**

# ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

## МУҲАЙЁНИНГ БИЛИМИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



**Муҳайёхон Марғилон шаҳрида туғилган. Ўқувчилик чоғларида математика, физика, чизмачилик фанларидан аъло баҳоларга ўқиди, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этди. Касб танлаш ёшида унинг хаёлини баланд, муҳташам бинолар, замонавий иншоотлар банд этарди. Мактабни тугаллагач, дугоналари каби шифокор ёки ўқитувчи эмас, қурилиш мутахассиси бўлишга аҳд қилди.**

Фарғона политехника институтига қабул қилинган қизнинг орзулари оламча эди. Бироқ мақсадга эришиш учун орзунинг ўзи етарли бўлмаслигини, назарий билимлар ҳам муҳимлигини яхши тушуниб етди, тажрибали ўқитувчилар этагини тутди. Замонавий ва миллийлик уйғунлашган қурилиш лойиҳаларини яратиш учун кўп изланди. Бино-иншоотлар бунёд этишда фойдаланилган пишиқ, тежамкор қурилиш материаллари бўйича тадқиқотлар олиб борди.

Ўтган йиллар давомида халқаро ҳамда республика миқёсидаги анжуманларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш муаммолари ечимига оид маърузалари билан иштирок этди. Соҳа бўйича мақола ва тезислари юртимиздаги ҳамда АҚШ, Россия Федерацияси, Германия, Ҳиндистон каби қатор хорижий давлатлардаги илмий рисолаларда чоп этилди. "Педагогик атамалар луғати", "Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш" номли қўлланмаларга ҳаммуаллифлик қилди. Қатор ижодий танловларда ғолиб бўлди.

2020 йилдан эътиборан кафедра катта ўқитувчиси Мухтасар Каримова илмий раҳбарлигида "Иккиламчи ресурслар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш" мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Муҳайё Юлдашеванинг Зулфияхоним издошлари қаторида бўлиши истиқболли ғояларига янада ишонч билан ёндашиб, бундан-да шижоат билан изланишига ундаши шубҳасиз. Зеро, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаётганларидек, ёшларга қанот бағишлаш, албатта, ўз мевасини бермай қолмайди.

**Маҳиёра БОЙБОБОЕВА.**

## ФАРҒОНАЛИК МЕРГАН ҚИЗ



**Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. У камондан ўқ отиш бўйича "Париж-2024" ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма олган биринчи ўзбекистонлик спортчидир.**

Зиёдахон Абдусатторова Фарғона вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг камондан отиш тўгарагига қатнаша бошлаганида, Тошлоқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиси эди.

Улғайгач, беғубор болалик орзуси бўй кўрсатди. Маҳорати ошиб, нафақат республика, балки дунё миқёсидаги нуфузли мусобақаларда юрт шаънини муносиб ҳимоя қилиш бахтига эришди.

Зиёдахоннинг умидли спортчи эканлигини ўз вақтида пайқаган мутахассислар уни Ўзбекистон терма жамоаси сафига тавсия қилишди. Ишончни оқлаб, дастлабки йиллардаёқ Осиё ва жаҳон кубоги мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритди. Жумладан, Россия Федерациясида ташкил этилган халқаро турнир ҳамда Ироқда ўтган Осиё кубоги баҳсларида олтин медалларга сазовор бўлди.

Таиланднинг Бангкок шаҳри мезбонлик қилган, Париж Олимпиадасига йўлланма бериш ҳуқуқидаги нуфузли мусобақада эса Зиёдахон Абдусатторова тарихий натижани қайд этиб, камондан ўқ отиш бўйича ўйинларда иштирок этадиган биринчи ўзбекистонлик спортчи шарафига эришди.

Ёш спортчи ўтган йилнинг якунида Ўзбекистон ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Паралимпия қўмитаси томонидан ташкил этилган "Миллий спорт мукофоти-2023" сарҳисоби бўйича "Йил кашфиёти" эътирофига муносиб кўрилди. Шунингдек, вилоятда "Йилнинг энг яхши аёл спортчиси" деб топилди.

– Камондан ўқ отиш спортнинг бошқа турларидан кўра мураккаброқ, у инсондан сабр ва мустаҳкам ирода талаб қилади. Давлат мукофотига сазовор бўлиш менинг кўп йиллик сабр-тоқат билан қилган меҳнатларимнинг маҳсулидир, – дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Зиёдахон Абдусатторова.

**Муаттар ТУРҒУНБОЙ қизи.**

# Сиз муқаддассиз, муқаддас аёл!

## ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ



**Аёл – гўзаллик ва бахт тимсоли. Бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратишга қодир, дея таърифланадиган аёлларимиз ардоқли фарзанд, вафодор умр йўлдош, меҳрибон она, ҳаммаслак опа-сингил сифатида ҳамиша қадри улуғланаверди.**

Мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор, уларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани барчамизни чексиз қувонтиради ва зиммамизга янада залворли масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади".

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан айнан хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган бир нечта муҳим ҳужжатлар имзоланди. Маълумки, ҳар қандай мамлакатда гендер тенглик қанчалик таъминланганлиги хотин-қизларнинг давлат бошқарувида энг юқори поғоналарни эгаллаган ўрни билан ҳам белгиланади.

Бугун фидойи хотин-қизларимиз нафақат шифокор ва муаллим, балки йирик тадбиркор сифатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш орқали мамлакатимиз иқтисодий ривожига салмоқли улуш қўшишга эришаётганлиги ҳақиқат.

Ўзим ҳам илк фаолиятимни ижара асосида кичик хоналарда бошлаган бўлсам, бугун "Ибратли бекам" ўқув маркази Фарғона шаҳрида уч қаватли муҳташам биносига эга бўлди. Юз минглаб ёшлар ўқув марказимизда таҳсил олиб, шахсий бизнесини йўлга қўйишга эришишди. Ёшларни энг замонавий ҳунарларга ўргатиш борасида янги-янги лойиҳалар йўлга қўйиляпти.

Тадбиркорлик фаолиятим билан бир қаторда, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Фарғона вилоят Кенгаши раиси вазифасини бажариб келяпман. Давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйишда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш масалалари партиянинг долзарб вазифалари сифатида кун тартибидан жой олган.

Партия электорати Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган сиёсат моҳиятини, хотин-қизлар учун берилаётган чексиз имкониятларни халқимизга англатиб боришга ҳаракат қиляпти. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларга мотивация бериш орқали янги мақсадлар сари йўналтиришга муваффақ бўлаётганлигимизни эътироф этиш ўринли. Партиянинг вилоятимиздаги шаҳар ва туман кенгашлари раиси лавозимида ишлаётганларнинг 40 фоизини, 28 минг 340 нафар партиямиз аъзоларининг эса 15 000 нафарини хотин-қизлар ташкил этиши ҳам эътиборга сазовор.

Партия сафларида Фарғона политехника институтининг хотин-қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси, техника фанлари доктори, профессор Лола Мамадалиева, психология фанлари номзоди Ширинoй Мустафоева, Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, вилоят юридик техникуми директори Маҳбубахон Тошматова сингари илму фанда, тадбиркорлик ва ишбилармонликда ўз нуфузига эга бўлган фидойилар кун сайин ортиб бораётганлиги барчамиз учун қувонарли.

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан вилоятимиз аёлларини – севимли бувижонларимиз, лобар аёлларимиз ва латофатли қизларимизни самимий муборакбод этаман. Гўзаллик ва оилавий бахт, эҳтиром ва қадри улуғворлик ҳар бир аёлга насиб этсин.

**Шаҳноза ҒАНИЕВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси.**

## ҲУНАР БЎЛСА ҚЎЛИНГДА...

**Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда "Аёллар дафтари"нинг аҳамияти беқиёс, чунки уларнинг ҳар бир муаммоси шу дафтарда яққол акс этади.**



Учкўприклик Қизлархон Мирзабоева оилавий шароити туфайли "Аёллар дафтари"да турарди. У имтиёзли равишда олган 30 миллион сўм кредит эвазига шахсий тадбиркорлигини йўлга қўйди. Ижтимоий тармоқлар орқали беланчак тўқишни ўрганди.

"Катта Кенагас" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишсиз аёлларни ҳунарга ўргатиб, ҳам иш билан таъминлаётган Қизлархон яшаш хонадонидан жой ажратиб, уларни бир ерга жамлади.

– Момомлар ва онамлар пайпоқ ва шунга ўхшаш маҳсулотлар тўқиб рўзғор тебратишган. Ҳозир ҳам деярли кўплаб оилаларда тўқилган буюмларни учратиш мумкин. Бувимдан ўрганган ҳунарни бироз замонавийлаштириш мақсадида иш бошладим, – дейди Қизлархон Мирзабоева. – Беланчак тўқиш осонга ўхшайди, лекин ўзига хос қийинчиликлари бор. Бу маҳсулотга эҳтиёж ортган. Фаолиятимни янада кенгайтириш ниятида гул ясашни ҳам йўлга қўйдим. Унинг ҳам даромади ёмон эмас.

Дарҳақиқат, ҳунардан ризқинг унади, дейишади. Қизлархон момиқ ва ранг-баранг ипдан тайёрлаётган беланчаклар 150 минг сўмдан бошлаб савдога чиқарилади. Шунингдек, унинг атирсовундан ясаган турли совғабоп гулларидан кўзингиз қувнайди. Беихтиёр харид қилишга шошасиз. Маҳсулотларини нафақат бозорда, балки онлайн интернет дўкони орқали ҳам сотиб олишяпти.

– Маҳалламизда 80 нафарга яқин аёлнинг иш билан таъминланиши Қизлархоннинг саъй-ҳаракатлари натижаси, – дейди "Катта Кенагас" маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Дилфуза Ҳамроқулова. – Илгари ҳудудда ишсизлик юқори эди. Бугун "устоз-шогирд" анъанаси ҳам қайта тикланиб, ёш қизлар ҳунарманд аёлларимиздан атирсовундан гул ясашни ўрганиб, мустақил иш бошлашяпти. Кўриб турганингиздек, тадбиркор хотин-қизларимиз сафи ортмоқда.

Қизлархон Мирзабоева хонадонида ҳар куни ўртача 50 тадан беланчак ишлаб чиқарилиб, истеъмолчига етказилмоқда. Маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратиляпти. Чунки ёш бола ором оладиган жиҳоз юмшоқ ва табиий ипдан тайёрланиши, албатта хавфсиз бўлиши лозимлигини ҳунармандлар виждонан ҳис қилишади.

– Аёлларга яратилаётган шароитлардан розимиз, – дейди ишчилардан бири Муҳаббат Мўйдинова. – Овқатимиз бепул, уйимиз Қизлархоннинг хонадонига яқин бўлганлиги боис, пиёда қатнаймиз. Ҳамкасбларим сингари шу вақтгача уйда ўтирардим, чунки қўлимда ҳеч қандай ҳунарим йўқ эди. Тўқувчилик касбини эгаллаб, ниҳоят ишли бўлдим.

Ҳа, Қизлархон Мирзабоева бошлаб берган тўқувчилик ва гул ясаш ҳунари қишлоқ аёллари орасида кенг тарқалди, уларнинг асосий даромад манбаига айланди.

**М. МАҲМУДОВА.**

МАҲАЛЛАДА МУНОСИБ ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНАДИГАН ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИШНИНГ

# ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ

**Ёки ялпи ички маҳсулот ҳажмида Бешариқ тумани маҳаллаларидаги оилавий корхоналар улуши кескин ортиб бораётгани ҳақида**

**2024 йилда мамлакатимизда 2 миллион янги иш ўрни яратиш, мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари битирувчиларини танлаган, таълим олган касби бўйича ишли қилиш вазифаси қўйилган. Бу ташкилотчилардан масалага ижобий ёндашишни тақозо қилади. Бешариқ тумани маҳаллаларида ташкил этилган оилавий корхоналар, янги тармоқ ва янги иш ўринлари аҳоли турмуш шароити фаровонлашувига хизмат қилмоқда.**



## ЭЗГУЛИКДАН ФОЙДА ТОПАЁТГАН ОИЛА

Гулни ҳаёт, бахт, орзу рамзи деб таърифлайди шоирлар. Дарҳақиқат, у инсонга хуш кайфият, қалбига эзгулик бахш этади.

Бешариқ туманидаги “Дўстлик” маҳалласида Рустам ота Хўжақуловлар оиласи фарзанди Шуҳратжон билан истиқомат қилади. Бу хонадонни эзгулик булоғига қиёслаш мумкин. Чунки, ҳовлида бир қарич ҳам бўш жой йўқ. Ҳаммасига гуллар экилган. 10 сотих майдонда эса иссиқхона тикланган.

– Фаолиятимизни дастлаб атиргулдан бошлаганмиз, – дейди Шуҳратжон Хўжақулов. – 20 туп атиргулни қаламчадан кўпайтириб, уни бозорга олиб чиқиб сотдим. Даромад кўрганимдан сўнг, қизиқишим янада ортди. Уни кенгайтириш устида излана бошладим.

Гулчиликда насл, яъни уруғнинг “ота-онаси” табиати муҳим. Танаси бақувват, узоқ вақт очилиб тура оладиган, чиройда мафтункор гуллар бутун дунёда қадрланади. Шунинг учун ҳам Шуҳратжон синовдан ўтган сара уруғларни Голландиядан келтиради.

– 50 турдан ортиқ хонаки, кўчаларга экиладиган 20 хилдан зиёд мавсумий гулларимиз бор. Фларгония, геран, қора шаҳзода, бегония, шафран, бананза, Хитой атиргули шулар жумласидан, – дейди у.

Шуҳратжоннинг режалари улкан. Иссиқхонада уруғни ўзи етиштирадиган бўлинма ташкил қилмоқчи. Бундан ташқари...

– 10 сотих ерда гул етиштираётган бўлсак, у ерда асосан маҳалламиздаги 15-20 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди. Мавсум пайтида ишчилар сони яна ортади, – дейди Шуҳратжон Хўжақулов. – Қўшимча ер олиб, чет элдан келтирилаётган манзарали дарахтларни ўзимизнинг шароитга мослаштириб, маҳаллийлаштириш ниятидамиз.

Ҳар бир гулнинг ўзига хос табиати бор. Уларга ана шу талабдан келиб чиқиб ёндашиш зарур.

– Ўтган йилда оиламиз билан 300 миллион сўмдан ошиқ даромадга эга бўлдик. Харажатлардан ортган маблағларимиз фаолиятимизни кенгайтиришга сарфланяпти, – дейди моҳир гулчи.

Шуҳратжон янгиликка интилувчан йигит экан. Қишнинг қаҳратон кунлари гуллар остидан, халқ тилида “иссиқ пол” дейиладиган услубни қўллади.

– Мана бу кўриб турган гулларингиз тагига қувурлар ўтказилган. Унинг ичида мунтазам иссиқ сув айланиб туради, – дейди топқир тадбиркор. – Бу усул яхши самара беради. Шу орқали гулларни совуқдан асраймиз. Ўтган йилги қаҳратон совуқ даврида ҳам гулларимиз нобуд бўлмади.

Гулчилар оиласи гулларни фақат илдиздан эмас, баргидан озиқлантириш услубини ҳам қўлламоқда. Бунда минерал ўғит сувга аралаштирилиб сепилади.

Наманган гулчиликда катта мактаб яратди. Бугун унинг сарчашмаларини Бешариқда ҳам кўрасиз.

– Ҳар йили ўтказилиб келинаётган Наманган шаҳридаги гуллар байрамига бориб, у ердаги уста гулчилар билан тажриба алмашамиз. Қўшни вилоятлик ҳамкасблар катта тажрибага эга бўлишсалар-да, биз ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қиламиз, – дея қўшиб қўйди у.

Беихтиёр ўйлаб қоласан, бешариқлик Шуҳратжон қилган ишни бошқа тумандошлари қила олмайдими? Унга нима куч, қувват, шижоат берди?

– Дадам қандай иш қилсанг ҳам, фарзандларингни ҳалол пул билан боққин, элга нафинг тегсин, дея насиҳат ва дуолар қиларди. Ана шу дуолар сабаб шу кунларни кўраяпман.

Бу Шуҳрат Хўжақуловнинг ҳаёт фалсафаси эди.

## МАҲАЛЛАДА ИШ ЎРНИ ВА МУНОСИБ ДАРОМАД

Дастурхонларимизни безаб турадиган шоколадлар барчага ёқади, айниқса, болаларга. Мана бу ерга айнан Россияда ишлаб чиқарилган ширинликлар, жумладан, шоколадлар қўйилган. Келинг, уларнинг мазасини татиб кўрамиз. Буниси “Ягода” деб номланади. Дарҳақиқат, булар жуда ширин. Бундан ташқари, унда янги узилган меванинг таъми бор. Россия шоколадларининг хуштаъмлигида Бешариқ туманидаги Мадраҳимовлар оиласининг ҳам ҳиссаси борлигини биласизми?

Бешариқнинг Янги Қашқар маҳалласида яшовчи Мадраҳимовлар оиласи кўпчилик қўни-қўшниларнинг “ҳузури”ни бузди. Йўқ-йўқ. Улар безорилик қилмади, шовқин-тўполон кўтаргани йўқ. Ҳамма ҳам қила оладиган, аммо негадир эътибордан четда қолган “бизнес”ни йўлга қўйди. Даромад топишнинг йўлини амалда кўрсатди.



Туман ҳудудининг ярми қир-адирларга тўғри келади. У ерда тупроқни “тезоб” дейдилар. Чунки тошлиқ ва баҳаво майдонда мевали кўчатлар тез ҳамда мўл ҳосил беради. Шунинг учун бу оила ўрик боғ яратиб тирикчилигини қилар эди.

– Олдин бу иш жараёнини оилада турмуш ўртоғим, болаларим, маҳалладаги 3-4 нафар аёллар билан бошладик, – дейди оила бекаси Раъно Ўлмасова. – Ишимизни 5-6 йил давом эттирганимиздан сўнг қарасак, оиламизга яхши сармоя киряпти. Сўнгра, фаолиятимизни кенгайтириб, кичик цех қурдик.

Мадраҳимовлар оиласи ўрик, олхўри, ғайноли каби ҳўл меваларни дастлаб ўзлари қуритдилар. Сўнгра қишлоқдошлари, ҳатто қўшни туманлардан, энди эса Наманган, Самарқанд вилоятларидан ҳам сотиб оладиган бўлдилар. Уларни саралаш, ювиш, қуритиш, қадоқлаш технологиясини Хитойдан келтиришди.

Ишлар шу қадар тезлашдики, яъни маҳсулот харидоргир бўлдики, 2023 йилда ишчи ўринларини кўпайтирдилар. Лекин у ҳам камлик қилди. Шунда маҳалладаги уйда ўтирган хотин-қизлар, келинпошша-ю, онахонларни ҳам касаначи сифатида жалб этдилар.

– Маҳаллалардаги 150 та хўжаликка ўрик, олхўри мевасини данакларидан ажратиш учун тарқатамиз. Уйда ўтирадиган ёш болали аёллар, қариялар биздан миннатдор. Ғайноли мевасини ўзимизнинг автомашиналарда етказиб, тайёр бўлганидан сўнг йиғиб оламиз, – дейди Раънохон.

Шундай касаначи оилаларнинг бирида Муҳайё опа Ўлмасова бош бўлган гуруҳ қулай шароитларда ўйнаб-кулиб ишлаяпти. Ҳам даромад, ҳам кафолатли меҳнат суғуртаси.

– Биз оиламизда 9 жонмиз. Бу – тўнғич келиним Ситорахон, кичик келиним Гулшодахон, – дейди Муҳайё Ўлмасова. – Меваларни данагидан ажратиш учун олиб келишгунича, уйдаги юмушларни бажариб бўламиз. Бўш вақтимиздан унумли фойдаланиб, даромад топяпмиз.

Мадраҳимовлар оиласи ютуқлардан эсанкирамади. Электрон савдо саҳифаларидан янги буюртмалар излади. Энди ёнғоқ, бодом мағизи, писта, қуритилган тут, яъни тутқоқига харидорлар чиқди. Оила аъзолари яна Бешариқ қишлоқларидаги боғбонлар ҳузурига бориб, шундай маҳсулотлар учун шартномалар тузишди.

– Бу маҳсулотларни асосан Европа давлатларига, хусусан Польша, Беларусь, Россия Федерациясига экспорт қиламиз. Айни кунларда қуритилган сиқма ғайнолини Хитой давлатига жўнатяпмиз. Ўтган йили 2 миллион АҚШ долларилик экспортни амалга оширдик, – дейди Раъно Ўлмасова.

2024 йилнинг атиги январь-февраль ойларида эса бу оилавий корхона 500 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди. Энди ишлаб чиқаришни каттароқ корхонага айлантириш лойиҳасини амалга оширишмоқчи.

Тез орада Бешариқдан чиққан “Turist agro” бренди халқаро кўргазмаларда танилиб кетса, ажаб эмас.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ.**

## ЁШ ЧАВАНДОЗЛАРГА – “ТОЙЧОҚ”!

Водийдан Тошкентга йўл олсангиз, довонга етмай икки ёнда юзлаб “Тойчоқ” ўйинчоқлари сотилаётганини кўрасиз. Улар Бешариқнинг Қият-Сартол маҳалласидаги Комиловлар оиласи хонадонида ишлаб чиқарилади.

– Президентимиз аёллар тадбиркорлигига катта эътибор қаратмоқда, –дейди оилавий корхона раҳбари Маҳфуза Комилова. – 5 нафар оила аъзоларим билан от ўйинчоқларини ясаймиз. Ўғилларим дурадгорлик қилса, бошқалар ўйинчоқларни йиғади.

Ҳовлининг бир четида дурадгорлик хонаси бор. Бу ерда бўлажак ўйинчоқларнинг ёғоч қиёфаси тайёрланади. Бу ишларни оиланинг кенжа ўғли ўз зиммасига олган.

Буниси эса йиғув хонаси. У илгари оила бекаси Маҳфуза опанинг хосхонаси бўлган. Унга яқин тикувчи қизлар юмшоқ матолардан ёғоч қиёфага “эт” ёпиштирадилар, кейин турфа рангдаги “тери” қоплайдилар. Ҳаш-паш дегунча болалар ўйинчоғи – “тойчоқ” тайёр бўлади ва савдога йўл олади.

– Аввалига озгина сармоя билан иш бошлаганмиз, – дея эслайди Маҳфуза опа. – Бугунга келиб, иш ҳажми ортди, маҳалламизда уйда ўтирадиган ишсиз, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни касаначи сифатида ишга олганмиз. Уларга ярим тайёр маҳсулотлар етказиб берилади. Касаначилар қўл меҳнати ёрдамида ўйинчоқларга кийим тикишади.

Талаб ва эҳтиёж ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи асосий омилдир. Унга эришиш учун замонавий савдо усулларидан фойдаланиш зарур эди.

– Ижтимоий тармоқлардаги онлайн савдо орқали от ўйинчоқлари республикамизнинг турли ҳудудларидаги харидорларга ҳам куни 200-300 тадан юборилмоқда, – дейди тадбиркор.



Маҳфуза опа Комилова оилавий корхонага оид бир маълумот айтиб бизни ҳайратга солдилар. Энди Қият-Сартол маҳалласининг “тойчоқ” лари чет элларда ҳам “чопмоқда”.

– Ўйинчоқ шу қадар оммалашдики, ҳозирга келиб маҳсулотларимизни қўшни Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларига ҳам экспорт қиляпмиз, – дейди Маҳфуза Комилова.



## МУБОРАК ОЙ КИРИБ КЕЛМОҚДА!

**Ойларнинг султони, яхшилик ва саховат, меҳр-мурувват ойи бўлган Рамазон соя солмоқда. Бутун ислом олами Рамазон ойини ҳар вақт хурсандчилик ва шодлик билан кутиб оладилар. Чунки бу ой тоат-ибодат, раҳмат ва барака мавсумидир. Бундан ҳам ортиқ хурсандчилик борми?**



Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилиб: **“Айтинг, Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, албатта, шулар сабабли мўминлар шодлансинлар. У тўплаган нарса (бойликлари)дан яхшироқдир”** (Юнус сураси, 58-оят) деган.

Бу ой сабаб жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилиб, шайтонлар кишанланади. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қачон Рамазон ойининг аввалги кечаси бўлса, шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланур. Дўзахнинг эшиклари ёпилур. Улардан бирор эшик очилмас. Жаннатнинг эшиклари очилур. Улардан бирор эшик ёпилмас. Бир нидо қилгувчи: “Эй, яхшилик истовчи, келиб қол! Эй, ёмонлик истовчи, бас қил!” деб нидо қилур. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган (банда)лари бўлур. Ҳар кеча шундоқ бўлур”, дея умматни фурсатни ғанимат билишга ундаганлар.

Демак, ана шундай улуғ онларда, жаннатлар очилган, дўзахлар ёпилган, шайтонлар кишанланган, Аллоҳнинг раҳмати ёғиб турган лаҳзаларда қилинган ибодатнинг самараси ҳам ўзгача бўлади, ибодатни мукаммал бажариш ҳам бандаларга осонроқ кечади. Қолаверса, банда ўзини тарбиялаши учун бу катта имконият ва фурсатдир.

Ушбу муборак ойда рўза тутиш билан инсон ўз нафсини тарбиялайди. Нафси устидан ғолиб келиб, руҳи енгил тортади. Фақат рўза тутувчигина бунинг руҳий лаззатини ҳис эта олади. Рўзада инсоннинг руҳи нафсини жиловлайди. Бу илоҳий тарбия ойида рўзадор киши ёлғон гапириш, ғийбат, тухмат, чақимчилик ва уруш-жанжал каби иллатлардан сақланиб, доимо тилини ёмон сўзлардан, беҳуда гаплардан тиймоғи лозим. Зеро, кимки рўзадор бўлатуриб, ёлғончилик, чақимчилик ва ғийбатдан тўхтамаса, унинг оч-наҳор юриб рўза тутганидан фойда йўқ.

Рамазоннинг яна бир фазилати шуки, бу – маънавий покланиш ва ахлоқни сайқаллаш ойи. Рўзадор киши ўзини нафақат еб-ичишдан, балки номаъқул гап-сўз ва ишлардан ҳам тиймоғи лозим. Афсуски, бу ҳақиқатни унутиб қўйиб, рўзадор бўлишига қарамай кун бўйи беҳуда, ёлғон ва ғийбат гап-сўзлар, номаъқул ишлар билан машғул бўладиган ёки одамлар билан талашиб-тортишадиганлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, бундай ишлар рўзанинг савобини кетказади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким ёлғон гапиришни, унга амал қилишни тарк қилмаса, унинг рўза тутиб, ейиш ва ичишдан тийилишига Аллоҳ муҳтож эмас”, – деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса “Агар бирортангиз рўзадор бўлса, беҳаё сўзларни гапирмасин ва жоҳиллик ҳам қилмасин. Агар биров у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, “Мен рўзадорман, мен рўзадорман”, десин” дейилган.

Ҳар бир инсон яхши амалларни адо этар экан, унинг Аллоҳ ҳузурида қабул бўлишини умид қилади. Бунинг учун, аввало, ҳар бир амални ихлос билан бажариши лозим.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Энг афзал садақа Рамазондаги садақадир”**, деганлар. Чунки Парвардигорнинг бундай ваъдаси бор: “Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур). Кимки (бир) ёмон (гуноҳ иш) қилса, фақат ўша (гуноҳ) миқдорида (бир гуноҳга яраша) жазоланур. Уларга ноҳақлик қилинмагай” (Анъом сураси, 160-оят).

Ҳақиқатан, бирор кишига бир нарсани эҳсон қилсангиз ёки унга бирор яхшилик кўрсатсангиз, бундан дилингиз равшан тортади, руҳий хотиржамлик юзага келади, ўзгаларга манфаат етказганингиздан хурсанд бўласиз. Эҳсон қилинган киши ҳам ўзига кўрсатилган яхшиликдан севинади, дилида сизга муҳаббат пайдо бўлади, агар сизга ичида сақлаб юрган кеки бўлса, унутади. Шу тариқа жамиятда кишилар ўртасида тотувлик, ҳурмат-эҳтиром пайдо бўлади, душманчиликлар барҳам топади, осойишталик ва фароғат барқарор бўлади.

Шундай экан, ўзимиз яшаётган маҳаллаларда кам таъминланган оилаларни, боқувчисини йўқотган фуқароларни ва ёлғиз кексаларни яхши биламиз. Биз уларга қўлимиздан келганича моддий ёрдамларимизни кўрсатиб, Аллоҳ таоло томонидан бериладиган ажру савобларга эга бўлайлик.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фарғона вилояти вакиллиги барча мўмин-мусулмон халқимизни моҳи Рамазон билан чин дилдан муборакбод этади. Аллоҳ бу ойни барчамизга хайрли ва баракотли айласин!

**Убайдуллоҳ АБДУЛЛАЕВ,**
**Фарғона вилояти бош имом-хатиби.**


**Қува туман “Сино” даволаш-ишлаб чиқариш жамоа бирлашмаси ҳиссадорлари ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган ходимлар диққатига!**

Сизларни 2024 йил 24 март куни соат 11:00 да ўтказиладиган “Сино” даволаш-ишлаб чиқариш жамоа бирлашмасининг умумий йиғилишига таклиф этамиз.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар қуйидагилардан иборат:**

1. “Сино” ДИЧЖ бирлашмасининг 2023 йил бўйича молиявий ҳолати юзасидан ҳисобот.
2. “Сино” ДИЧЖ бирлашмасидаги улушдорлар ҳисобидан чиққанлар, улушдорлар рўйхатига киритилганлар ҳақида маълумот ва уларни муҳокама қилиш ҳамда тасдиқлаш.
3. “Сино” ДИЧЖ бирлашмасининг 2024 йилда амалга ошириладиган ишларни белгилаш ва муҳокама қилиш.
4. “Сино” ДИЧЖ бирлашмасини жамоа кенгаши ва бирлашма бошлиғини сайлаш.

**Йиғилишга фақат ходимлар ва улушдорлар таклиф этилади.**

Манзил: Қува тумани, ”Қува” МФЙ, Тўмарис кўчаси, 173-уй.

**“Сино” даволаш-ишлаб чиқариш жамоа бирлашмаси бошқаруви кенгаши.**



**FARG‘ONA POLITEXNIKA INSTITUTI QUYIDAGI BO‘SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E’LON QILADI:**

**I. KAFEDRA MUDIRI LAVOZIMIGA:**

| | |
|---|---|
| 1. Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi va montaji kafedrasi | – 1 |
| 2. Neft va neft-gazni qayta ishlash texnologiyasi kafedrasi | – 1 |

**II. KAFEDRA DOTSENTI LAVOZIMIGA:**

| | |
|---|---|
| 1. Geodeziya, kartografiya va kadastr kafedrasi | – 1 |

**III. KAFEDRA KATTA O‘QITUVCHISI LAVOZIMIGA:**

| | |
|---|---|
| 1. Oliy matematika kafedrasi | – 1 |
| 2. Tadbiqiy mexanika kafedrasi | – 1 |
| 3. Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish kafedrasi | – 1 |
| 4. Ijtimoiy fanlar va sport kafedrasi | – 1 |
| 5. Fizika kafedrasi | – 1 |
| 6. Neft va neft-gazni qayta ishlash texnologiyasi kafedrasi | – 1 |

**Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e’lon chiqqan kundan boshlab bir oy.**
**Murojaat qilish uchun manzilgohimiz:** Farg‘ona shahar, Farg‘ona ko‘chasi, 86-uy.
**Telefon:** +99891 665-72-05.

**Kengash kotibi.**

Тарихга назар

# ШЕРМУҲАММАДБЕК – истиқлолчилик ҳаракатининг ЙЎЛБОШЧИСИ ЭДИ

Қаҳрамон РАЖАБОВ, тарих фанлари доктори, профессор



(Давоми. Бошланиши газетанинг ўтган сонида).

Иккинчидан, истиқлолчилик ҳаракатининг янги босқичи ўзига хос хусусиятга эга бўлган мураккаб ва зиддиятли даврни ўз ичига олган эди. Ҳаракатнинг биринчи ва иккинчи босқичларида большевиклар ҳукуматига қарши чиққан қўзғолончилар туб ерли аҳоли вакилларидан иборат бўлиб, улар асосан россияликлардан ташкил топган қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар, яъни бу маҳаллий халқ билан босқинчилар ўртасида ҳаёт-мамот кураши бўлган эди.

Большевиклар ҳукуматида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларнинг маҳаллий аҳоли вакилларини қизил армия сафига чақириш ҳақидаги талаблари дастлаб Турккомиссия ва Тошкентдаги совет ҳукумати томонидан инобатга олинмади, сирасини айтганда, улар туб ерли аҳоли вакиллари қўлига қурол беришдан чўчидилар. Натижада ҳаракатнинг дастлабки босқичлари моҳият нуқтаи назаридан олганда ҳам, том маънода, босқинчиларга қарши миллий истиқлол учун кураш бўлган эди.

Марказий ҳукумат раҳбарлари ва унинг Туркистондаги таянчлари фақат 1920 йилнинг ўрталаридагина бу ҳақиқатни тушуниб етдилар. Маҳаллий аҳоли вакилларини қизил армия сафларига қабул қилиб, уларни қўзғолончиларга қарши қўйиш билан бу кураш моҳиятини ўзгартиришга, Туркистон халқини Россиядаги каби фуқаролар уруши гирдобига тортишга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе 1920 йил 7 майда қизил армия сафларига маҳаллий миллат фуқароларидан 30 минг кишини олиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Лекин бу билан масала улар ўйлаганидек ҳал бўлмади. Қизил армия сафида қуролли мухолифатга қарши жанг қилишни истамаган чақириқ ёшидаги минглаб эркаклар истиқлолчилик ҳаракати (қўзғолончилар) қаторини тўлдирдилар.

Бундан ташқари, Хоразм ва Бухоро Республикаларида вужудга келган янги ҳукуматлар миллий кучлар қўлида эди. Бироқ бу миллий кучлар совет Россияси манфаатларига бўйсунишга, ўз мамлакатлари ҳудудида қизил армия қўшинларини сақлаб туришга мажбур бўлдилар. Хоразм ва Бухорода истиқлол учун курашни изчил давом эттираётган мухолифат ҳарбий кучлари эса ҳам совет Россияси ҳарбий қисмларига қарши, ҳам янги миллий ҳукуматга қарши кураш олиб боришларига тўғри келарди.

Оқибатда, шу даврдан эътиборан қуролли ҳаракатнинг мазмуни сал ўзгачароқ руҳ касб эта бошлади, кураш яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди.

Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе 1920 йил 15 майда Фарғона вилоятидаги 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Н.Веревкин-Рахалский номига буйруқ юбориб, қуролли ҳаракатга қарши кураш тактикасини ўзгартириш ва уларни ёппасига қириб ташлаш вазифасини қўйди. Фрунзе “Қўрбошилар билан музокаралар олиб боришни тўхтатишни, босмачи шайкалар таркибига кирган ҳар қандай шахслар халқ душмани сифатида отиб ташланиши”ни буюрди. 1920 йил 28 майда М. Фрунзенинг буйруғи билан қўзғолончиларни қиришга мўлжалланган махсус “жанговар учар отрядлар” тузилди. Шу билан бир қаторда, яна махсус жазо отрядлари ташкил қилиниб, улар ҳам Фарғона водийсига ташланган эди.

Шундай қилиб, Турккомиссия ва Туркфронт раҳбарлари қуролли мухолифатга қарши кураш стратегияси ва тактикасини тубдан ўзгартириб, кечагина ўзлари эълон қилган сиёсий тадбирлар, кураш қатнашчиларини тинчлик йўли билан ўз томонларига оғдириш каби нозик дипломатик ўйинларни бир чеккага йиғиштириб, бу ҳаракатни “қурол кучи ҳамда зўравонлик билан” бутунлай тормор қилиш тўғрисида қатъий қарорга келдилар.

Туркфронт қўмондонлигининг 1920 йил май ойи ўрталарида белгилаган бу тадбирлари қуролли ҳаракат қатнашчиларининг шаштини синдира олмади. Совет режимига қарши кураш яна ҳам қатъий тус олди.

## Мустақил ислом жумҳурияти ҳукуматининг раиси

1920 йил 3 майда Олтиариқ туманидаги Ғойибота (Ғарибота) қишлоғида Фарғона водийси қўрбошиларининг навбатдаги қурултойи бўлди. Қурултойда Туркистон – турк мустақил ислом жумҳурияти ёхуд Туркистон муваққат ҳукумати тузилди. Ушбу қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг олий бош қўмондони қилиб сайланди. Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбек (тахминан 1899 – 1983) ва Олой воҳасидаги қирғизларнинг етакчиси Муҳиддинбек (тахминан 1877 – 1922) унинг ўринбосарлари қилиб тайинланди.

Туркистон муваққат ҳукумати Фарғона водийсидаги озодлик курашида муайян даражада хизмат қила олди. Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекнинг хотиралари ҳамда Заки Валидий асарларига таяниб Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, ҳукумат таркибига қуйидаги 6 киши киритилган эди: “Шермуҳаммадбек – ҳукумат раиси ва олий бош қўмондон; Муллажон Қори – хавфсизлик (ички ишлар) вазири; Акбаржон эшон – шайхулислом; Абдусалом Қори – ҳукуматнинг бош котиби; Назиржон – молия вазири; Мулла Ҳожи Ниёз – махсус ишлар вазири”.

Шермуҳаммадбек тайинлаган ўн иккилар кенгаши фаолият кўрсатиб, у ҳукумат ишини мувофиқлаштириб турган. Кенгаш аъзолари ҳукуматни бошқариш ва урушни олиб бориш масалалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқишган. Бундан ташқари, 14 кишидан иборат ҳарбий идора маҳкамаси тузилди. У олий бош қўмондон Шермуҳаммадбек (раис), турк зобитлари Исмоил Ҳаққибей (раиснинг ҳарбий сиёсат бўйича ўринбосари), Ёқуббек (раиснинг жанг ҳаракатларини режалаштириш ва ўтказиш бўйича ўринбосари), шунингдек, Алиёрбек, Юсуф Полвон, Бозорбой, Мулла Пўлат, Асқар ва Нурмуҳаммадбек каби қўрбошилардан иборат бўлган.

Мулла Умар, Жамол, Абдулазиз ва Абдусалом қозилардан иборат қозихона – мустақил суд идораси маҳкамаси ҳам фаолият кўрсатган. Идора мажлиси, яъни маъмурий кенгаш таркиби Абдулбоқи бойвачча (раис), муфтий Мусо Қози, Мулла Ғойиб Назар, Мулла Йўлдош Охун ва Абдулқаюмдан иборат бўлган.

Шунингдек, мустақил суд идорасига қўшимча равишда 88 кишилик парламент – Шўро ҳам ташкил қилинган. Шўро аъзолари ўқимишли ва нуфузли кишилар ҳисобланган. Боймирза Ҳайит Шўро таркибини қуйидагича кўрсатиб ўтади:

Ёдгор, Нуриддин, Муҳаммад Амин Полвон, Музаффар мингбоши, Рустам эшон, Ашурбек, Маматисо Полвон, Қурбонбой, Ҳусомиддин мингбоши, Тожибой Амин, Муҳаммад Шариф Полвон, Омонбой, Каримжонбой, Мулла Ҳайдар, Абдулқодир мингбоши, Деҳқон Полвон, Ҳожи Мирбобо, Қамчи Полвон, Муҳаммад Сиддиқ, Тешабой мингбоши, Қамбариддин Бобо, Мулла Мелибой, Саид Раҳмонхон, Мулла Авлиёхон, Миён Қудратилла, Асириддин махсум, Абдураҳмон махсум, Ҳожи Ниёз, Исроил Хўжа, Лайли Қори, Тўхтасинбой, Норбўтахон Тўра, Комилжон Қори, Абдуллажон қори, Муҳаммад Амин, Юнусжон қори, Йўлбарсхон Тўра, Саид Маҳмудхон Тўра, Абдулла Амин, Мулла Ғозий, Мулла Акбар эшон, Маҳмуд Зиё, Назиржон Қори, Мулла Турсунбой, Муҳаммаджон, Абдураҳим Амин, Фидойи Хўжа, Аминбой, Маҳмуд Расулбой, Қануч Полвон, Мулла Раҳматилла, Хўжа Берди, Авлиёхон, Абдулла Қори, Мирқосим ота, Юсуф Қори, Низомиддин Амин, Мулла Ҳамиджон, Тошпўлат, Нурмуҳаммад Ғозий, Тўхтасинхон, Мулла Ортиқ, Тақсимбой Мингбоши, Жабборқул, Султониддин, Қўшоқ бойвачча, Азим Хўжа, Нишонбой Амин, Алимқул Шермуҳаммад, Шурдун бойвачча, Фидойи Муҳаммад, Махди Махдум Дукчи эшон ўғли, Саид Мухтор, Мулла Абдулфаттоҳ, Тошмуҳаммад, Бойбўта, Абдулла Хўжа, Мулла Ёрҳақ, Мир Искандар, Абдулҳафиз Ҳожи, Мулла Тошмуҳаммад, Мадат Муродбоши, Мулла Қорабой, Мулла Эргаш, Мулла Муҳаммаджон, Эгамберди.

Шермуҳаммадбек томонидан большевиклар чангалидан озод қилинган жойларда элликбошилик, юзбошилик, мингбошилик лавозимлари қайтадан тикланди. Қўқон хонлигида олий лавозим ҳисобланган беклик вазифасини қўрбошилар бажаришар эди. Аҳолининг қўлидан солиқларни элликбошилар йиғиб, мингбошилар орқали қўрбошиларга етказишган. Қўрбошилар эса бу маблағларни молия вазири орқали ҳукумат хазинасига топширганлар. Ўн иккилар кенгаши солиқ тушумларидан иборат бу даромадни харажатлар бўйича тақсимлаган. Кўпинча бадавлат кишилар ҳисобланган йирик мулкдорлар: бойлар, савдогарлар ва уламоларга қўшимча солиқлар ҳам солинган. Ушбу тўловлар совет режими халқдан олаётган солиқлар ва тушумлардан бир неча марта кам бўлган. Шермуҳаммадбек ҳукумати томонидан зарурий эҳтиёжлар ҳамда қурол-яроғ сотиб олиш учун керакли бўлган миқдордаги маблағгина аҳолидан тўпланган, холос. Қўрбошилар ва йигитларнинг озиқ-овқат таъминоти эса улар жойлашган қишлоқлар аҳли зиммасида эди.

Шермуҳаммадбек қўшинидаги йигитларнинг саломатлигига марғилонлик Мирзахон ва олтиариқлик Эргаш табиб бошчилигидаги халқ табиблари жавобгар бўлганлар. Шунингдек, икки юздан ортиқ йигит отларни парвариш қилиш билан махсус шуғулланиб турган.

Шундай қилиб, Шермуҳаммадбек раҳбарлиги остида Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар тўпланди. Мадаминбек билан бирга ёки ундан олдинмакетин совет ҳокимиятига таслим бўлган қўрбошиларнинг аксарияти ва уларнинг йигитлари ҳам Шермуҳаммадбек қўшинлари сафига келиб қўшилдилар.

1920 йил августининг охири ва сентябрнинг бошида Туркфронт қўмондони М.Фрунзенинг буйруғига кўра, Фарғонадаги қўшинларнинг катта қисми Бухоро амирлигини тугатиш учун юборилди. Ушбу имкониятдан фойдаланган қўзғолончилар ҳарбий ташаббусни ўз қўлларига олиб, ҳаракатни янада кучайтирдилар. Фақат 1920 йил 10 – 27 сентябрда улар Водил, Гурунчмозор, Чувол, Урганжи қишлоқларини қўлга киритиб, Ўш ва Кўрғонтепа темир йўл бекатларида турган қизил аскар гарнизонларига қақшатқич зарба бердилар. Ўш шаҳри вақтинчалик бўлса-да, яна миллий кучлар қўлига ўтди. Бухоро амирлиги қурол кучи билан тугатилган кун – 1920 йил 2 сентябрда Туркистон Республикаси ҳукуматининг Туркфронт қўмондони номига йўллаган мактубида “Босмачилик Фарғона вилояти ҳудудидан чиқиб, ҳатто Тошкент уездининг 8 та волостини ўзига қамраб олди", деб хавотир олиб ёзилган эди.

(“Ватанпарвар” газетасидан олинди).

## FARG‘ONA VILOYATI, SHAHAR VA TUMAN MAKTAB VA MAKTABGACHA TA’LIM BO‘LIMLARI, O‘RTA MAXSUS, KASB-HUNAR TA’LIMI MUASSASALARI RAHBARLARI DIQQATIGA!

**2023-2024-o‘quv yilida Qo‘qon davlat pedagogika institutining bitiruvchi bakalavrlar va magistrlarini ish joylariga taqsimlash ishlari olib borilmoqda.**

**Buyurtmalar 2024-yil 15-mayga qadar qabul qilinadi. Manzil: Qo‘qon shahar, Turon ko‘chasi, 23-uy. Telefonlar: (0373) 542-38-38, (0373) 542-17-83.**

### QO‘QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTINI 2023-2024 O‘QUV YILIDA BITIRAYOTGAN BAKALAVR VA MAGISTRLAR HAQIDA MA’LUMOT

| № | Shifri | Mutaxassisliklar, yo‘nalishlar nomi | Jami |  | Bitiruvchilarning qaysi viloyat va tumandan kelganligi |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  |  |  |  |  | Qo‘qon shahar |  | Bag‘dod tumani |  | Beshariq tumani |  | Buvayda tumani |  | Dang‘ara tumani |  | Farg‘ona tumani |  | Furqat tumani |  | Oltiariq tumani |  | Rishton tumani |  | Qo‘shtepa tumani |  | Quva tumani |  | So‘x tumani |  | Toshloq tumani |  | O‘zbekiston tumani |  | Uchko‘prik tumani |  | Yozyovon tumani |  | Farg‘ona shahar |  | Marg‘ilon shahar |  | Quvasoy shahar |  | Toshkent shahar |  | Andijon viloyati |  | Buxoro viloyati |  | Namangan viloyati |  | Navoiy viloyati |  | Qashqadaryo viloyati |  | Samarqand viloyati |  | Sirdaryo viloyati |  | Surxondaryo viloyati |  | Toshkent viloyati |  | Xorazm viloyati |  | Qoraqalpog‘iston Respublikasi |  |
|  |  |  | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt | Grant | Kontrakt |
| 2023-2024 o‘quv yilida davlat granti va to‘lov-shartnoma asosida bitirayotgan bakalavrlar haqida ma’lumot |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 1 | 5110100 | Matematika - informatika | 61 | 150 | 2 | 7 | 7 | 14 | 2 | 23 | 8 | 22 | 10 | 12 | 1 |  | 2 | 12 | 1 | 2 | 4 | 12 |  | 2 |  | 1 | 11 |  |  |  | 3 | 10 | 7 | 23 |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 3 | 1 |  | 1 | 6 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 2 | 5110200 | Fizika va astronomiya | 20 | 63 |  | 2 |  | 9 | 1 | 4 |  | 10 | 13 | 15 |  |  |  | 4 |  |  | 1 | 1 |  |  |  |  |  |  | 1 |  | 1 | 9 | 1 | 7 |  | 1 |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 3 | 5110300 | Kimyo | 29 | 60 | 2 | 2 | 6 | 5 | 2 | 5 | 1 | 5 | 5 | 9 | 1 | 1 |  | 10 |  | 3 |  |  |  |  | 1 | 1 | 5 |  |  |  | 1 | 7 | 3 | 5 |  | 1 | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  | 3 |  |  | 1 |  |  | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 4 | 5110400 | Biologiya | 24 | 88 |  | 3 | 1 | 11 | 2 | 11 | 6 | 9 | 3 | 9 |  | 1 | 2 | 7 | 1 |  | 3 | 1 |  | 2 | 1 | 1 |  |  |  |  |  | 16 | 3 | 10 |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  | 1 |  |  | 2 | 4 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |
| 5 | 5110500 | Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari | 20 | 56 | 1 | 2 | 1 | 6 | 1 | 6 | 1 | 3 | 2 | 7 | 2 |  |  | 2 | 1 | 5 | 1 |  |  | 1 | 1 |  | 2 |  |  |  |  | 1 | 3 | 6 |  | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  | 3 | 6 |  |  | 1 | 1 |  |  |  | 2 |  | 1 |  |  |  | 2 |  | 2 |  | 1 |  |  |
| 6 | 5110600 | Tarix | 35 | 92 | 3 | 8 | 1 | 4 | 2 | 12 | 2 | 12 | 2 | 4 | 3 | 1 | 1 | 3 | 1 | 5 | 1 | 9 | 1 |  |  | 1 | 7 |  |  | 1 | 2 | 5 | 2 | 11 |  | 1 | 1 | 5 |  |  |  |  |  |  | 1 | 1 |  | 2 | 3 | 5 |  |  | 1 |  |  | 1 |  |  |  |  | 1 | 1 |  |  |  |  |
| 7 | 60111200 | Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi | 17 | 60 | 5 | 10 | 2 | 3 | 1 | 3 | 2 | 7 |  | 11 |  |  | 3 | 2 |  |  |  | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 4 | 2 | 8 |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  | 2 |  |  | 1 | 7 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 8 | 5110900 | Pedagogika va psixologiya | 27 | 55 | 1 | 1 |  | 5 |  | 3 | 2 | 2 |  | 6 | 1 | 1 | 1 | 7 |  | 1 | 1 | 6 |  |  |  | 3 | 17 |  |  | 1 |  | 2 |  | 7 |  |  |  |  |  | 1 |  | 1 |  |  | 1 | 2 |  | 1 | 2 | 5 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |
| 9 | 60111300 | Musiqa ta’limi | 22 | 43 | 6 | 15 | 4 | 5 | 2 | 2 |  | 4 | 1 | 2 | 1 |  | 1 | 1 |  |  | 1 | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  | 3 | 5 | 2 | 5 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 10 | 5111200 | O‘zbek tili va adabiyoti | 43 | 156 |  |  | 4 | 22 |  | 15 | 5 | 16 | 5 | 15 |  | 2 | 3 | 8 | 1 | 4 | 5 | 19 | 1 | 3 |  | 4 |  | 1 |  | 1 | 4 | 8 | 2 | 24 | 4 | 2 |  | 1 |  |  |  |  | 2 |  | 4 | 1 |  |  | 3 | 10 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 11 | 5111300 | Ona tili va adabiyoti (rus tili va adabiyoti) | 7 | 67 | 2 | 11 |  | 3 | 1 | 8 |  | 14 | 1 | 2 | 1 | 1 |  | 4 |  | 1 |  | 5 |  |  |  | 1 | 2 | 1 |  |  |  | 4 |  | 9 |  |  |  | 1 |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |
| 12 | 5111400 | Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili va adabiyoti | 69 | 508 | 7 | 40 | 3 | 38 |  | 42 | 5 | 76 | 4 | 53 |  |  | 9 | 51 |  | 5 |  | 15 |  |  |  |  | 30 |  |  |  |  | 71 | 6 | 87 |  |  |  | 8 |  | 1 |  |  | 1 | 2 |  | 4 |  | 2 | 4 | 11 |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  | 1 |  |  |  |  |
| 13 | 5111600 | Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi | 22 | 40 |  |  | 1 | 6 | 2 | 5 | 1 | 5 | 2 | 3 | 1 |  | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |  |  |  |  | 9 | 1 |  |  | 1 | 5 | 1 | 7 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  | 1 |  |  |  |  |  | 2 |  |  |  | 1 |  |  |  | 1 |  |  |
| 14 | 5111700 | Boshlang‘ich ta’lim | 38 | 224 | 2 | 10 | 3 | 32 | 2 | 26 | 2 | 38 | 2 | 19 |  | 1 |  | 14 |  |  | 7 | 9 |  |  |  |  | 4 |  |  | 1 | 1 | 27 | 8 | 35 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 3 | 1 |  | 4 | 6 |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  | 2 |  |  |  | 1 |
| 15 | 60110200 | Maktabgacha ta’lim | 41 | 122 | 8 | 15 | 3 | 3 | 5 | 14 | 3 | 12 | 3 | 18 |  | 2 | 4 | 7 | 1 | 1 | 2 | 4 |  |  |  |  |  |  | 1 |  | 4 | 7 | 4 | 11 |  | 2 |  | 2 |  | 2 |  |  | 1 |  |  | 4 |  |  | 2 | 13 |  |  |  | 1 |  | 1 |  | 1 |  |  |  |  |  | 2 |  |  |
| 16 | 5111900 | Defektologiya (Logopediya) | 12 | 51 |  | 7 |  | 3 |  | 2 |  | 1 |  | 3 |  | 2 |  | 2 | 1 | 3 | 1 | 3 | 1 | 2 | 1 | 1 |  |  |  | 2 | 1 | 5 | 3 | 4 | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 1 | 6 | 1 |  | 1 | 3 |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 17 | 5111900 | Defektologiya (Surdopedagogika) | 13 | 35 | 2 | 1 |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  | 1 |  | 1 |  | 1 |  |  | 2 | 3 |  | 1 |  |  |  |  | 1 |  |  | 1 |  | 1 |  | 6 |  |  | 1 |  |  |  | 5 | 9 |  |  | 1 | 3 |  |  |  | 4 |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  | 2 |  |  |
| 18 | 5111900 | Defektologiya (Oligofrenopedagogika) | 7 | 16 |  |  |  | 2 |  |  |  |  | 2 | 1 |  |  |  | 1 |  |  | 1 | 2 |  | 1 |  |  |  |  | 1 |  |  | 2 |  |  |  |  | 1 | 2 |  |  |  |  |  |  | 2 |  |  |  |  | 3 |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |
| 19 | 60112200 | Jismoniy madaniyat | 35 | 106 | 4 | 11 | 3 | 9 |  | 3 | 7 | 10 | 6 | 14 |  | 1 | 1 | 12 |  | 1 | 1 | 2 |  | 1 |  |  |  | 1 |  | 1 | 2 | 19 | 6 | 12 |  |  |  | 1 |  |  |  | 1 |  | 1 | 2 | 1 |  |  | 3 | 5 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 20 | 60112200 | Jismoniy madaniyat (xotin-qizlar sporti yo‘nalishi bo‘yicha) | 18 | 14 |  |  | 2 | 2 | 1 |  | 2 | 2 | 8 | 2 |  |  | 1 | 1 |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 4 | 3 |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 21 | 60112300 | Texnologik ta’lim | 13 | 45 |  | 1 | 4 | 7 | 5 | 4 | 2 | 5 |  | 8 |  | 3 |  | 1 |  | 2 |  | 1 |  |  |  | 1 |  | 1 |  |  |  | 3 | 1 | 5 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  | 3 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 22 | 5112200 | Maktabgacha va boshlang‘ich ta’limda xorijiy tili (ingliz tili) | 11 | 57 | 1 | 2 | 1 | 4 |  | 6 | 3 | 5 | 3 | 6 |  |  |  | 5 |  | 1 |  | 8 |  |  |  | 2 |  |  |  |  |  | 6 |  | 7 |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  | 1 | 2 |  |  | 2 | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |
| 23 | 5112500 | O‘zga tilli guruhlarda rus tili | 19 | 165 |  |  | 3 | 17 |  | 15 | 4 | 31 | 2 | 24 |  |  |  | 19 |  | 1 |  | 5 |  |  |  |  | 6 |  |  |  | 1 | 11 | 2 | 41 |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 24 | 5210203 | Psixologiya (amaliy psixologiya) | 6 | 22 | 1 | 2 |  | 1 |  | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 |  |  |  |  |  | 2 |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 2 |  | 3 |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  | 2 | 5 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  | 1 |  |  |
| 25 | 5611700 | Maktab menejmenti | 11 | 28 | 1 | 2 |  | 1 |  | 1 | 1 |  |  | 1 | 1 |  |  |  |  | 4 |  |  |  | 2 | 2 |  | 1 | 1 |  | 3 |  | 2 |  | 2 |  |  | 2 | 1 |  |  |  |  |  |  |  | 2 |  |  | 1 | 1 | 1 |  |  | 3 |  | 1 |  |  |  |  |  |  | 1 | 1 |  |  |
| Jami: |  |  | 620 | 2323 | 48 | 152 | 49 | 212 | 29 | 212 | 58 | 290 | 75 | 246 | 12 | 17 | 29 | 175 | 8 | 43 | 30 | 108 | 5 | 18 | 6 | 17 | 94 | 6 | 3 | 10 | 26 | 232 | 60 | 333 | 5 | 11 | 5 | 30 | 0 | 6 | 2 | 2 | 4 | 6 | 24 | 48 | 4 | 5 | 36 | 99 | 1 | 0 | 3 | 12 | 0 | 8 | 0 | 1 | 1 | 4 | 2 | 9 | 1 | 10 | 0 | 1 |
|  |  |  | 2943 |  | 200 |  | 261 |  | 241 |  | 348 |  | 321 |  | 29 |  | 204 |  | 51 |  | 138 |  | 23 |  | 23 |  | 100 |  | 13 |  | 258 |  | 393 |  | 16 |  | 35 |  | 6 |  | 4 |  | 10 |  | 72 |  | 9 |  | 135 |  | 1 |  | 15 |  | 8 |  | 1 |  | 5 |  | 11 |  | 11 |  | 1 |  |
| 2023-2024 o‘quv yilida davlat granti va to‘lov-shartnoma asosida bitirayotgan magistrlar haqida ma’lumot |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 1 | 70110101 | Pedagogika nazariyasi va tarixi | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 2 | 70110102 | Pedagogika va psixologiya | 3 | 2 | 1 |  |  |  |  |  |  | 1 | 1 | 1 |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 3 | 70110103 | Ta’lim muassasalarining boshqaruvi | 1 | 9 |  | 1 |  |  |  | 2 |  | 1 | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 2 |  | 3 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 4 | 70110501 | Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang‘ich ta’lim) | 2 | 1 |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 5 | 70110601 | Aniq va tabiiy fanlarni o‘qitish metodikasi (matematika) | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 6 | 70110801 | Aniq va tabiiy fanlarni o‘qitish metodikasi (kimyo) | 0 | 2 |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 7 | 70110901 | Aniq va tabiiy fanlarni o‘qitish metodikasi (biologiya) | 1 | 5 |  | 1 |  |  |  | 1 |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 2 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 8 | 70111401 | O‘zbek tili va adabiyoti | 2 | 2 | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 1 | 1 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 9 | 70111801 | Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili) | 2 | 20 | 1 | 5 |  | 3 |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 5 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 4 | 1 | 3 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| Jami: |  |  | 14 | 41 | 3 | 8 |  | 3 |  | 3 | 1 | 2 | 3 | 3 |  |  | 3 | 5 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 3 | 10 | 1 | 7 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  | 55 |  | 11 |  | 3 |  | 3 |  | 3 |  | 6 |  |  |  | 8 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | 13 |  | 8 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

## Барча аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади!

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиб, баҳор нашидаси тобора кучайиб бораётган айни шу фусункор айёмда мунис ва мўътабар оналаримизга, лобар ва зукко қизларимизга, барча опа-сингилларимизга оилавий хотиржамлик, бахт-саодат, узоқ ва сермазмун умр, мустаҳкам соғлик, хонадонларига тинчлик, файзу барака тилайди!

Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак меҳри ва ардоғида бўлинглар!

Умрларингиз узоқ, иқболларингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА МУҲАНДИСЛИГИ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Янгиланиш, яшариш фаслининг илк байрами муносабати билан вилоятимизнинг барча аёлларини, шу жумладан, институтнинг дилбар, самимий, қалбларида меҳр-муҳаббат мужассам хотин-қизларини, шунингдек, мунис оналаримиз, муҳтарама опа-сингилларимизни самимий табриклайди.

Ёш авлоднинг чуқур билим ва касб эгаллаши, порлоқ келажаги йўлида соҳада олиб борилаётган ислоҳотларда Сизларнинг хизматингиз беқиёс.

Азиз ва муҳтарама ҳамкасблар! Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз. Шарафли ва масъулиятли ишларингизда омад ёр бўлсин!

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Вилоятимиздаги ва бошқарма тизимида фаолият олиб бораётган мунис ва муҳтарама онажонларимизни, дилбар опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этади.

Бугун тизимда ўз касбини улуғлаб, халқ саломатлиги йўлида 50 000 нафардан ортиқ жонкуяр, фидойи ва олижаноб хотин-қизларимиз меҳнат қилмоқдалар.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш билан бир қаторда, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, репродуктив саломатликни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, баркамол авлодни voяга етказишда Сизларнинг ўрнингиз алоҳида эътирофга лойиқ.

Яна бир бор баҳор айёми, нафосат байрами билан барчангизни табриклаб, Сизларга соғлик-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-омонлик, машаққатли ишларингизда катта ютуқлар тилаймиз. Чексиз қувонч ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 3336 нусхада чоп этилди. Буюртма: 122.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.

Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.

ISSN: 2010-8370

Газета жума куни чиқади. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.

Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.30.